

satrdan boshlanadi, bosh harflar bilan yoziladigan “BUYURAMAN” soʻzi bilan boshlanadi. Zaruriyatga qarab farmoyishlar bandlarga boʻlinib, arabcha raqamlarda belgilanadi. Raqamdan soʻng nuqta qoʻyilib, soʻz bosh harfdan boshlanadi. Farmoyishlarda odatda kim qanday vazifani va qaysi muddatlarda bajarilishi koʻrsatiladi. Harakat majhul feʼl shaklida ifodalanadi (misol uchun, “amalga oshirilsin”, “*taʼminlansin*”, *yuklatilsin*”, “*hisoblansin*” kabilar). Bajaruvchilar muassasa yoki tarkibiy qismlar, mansabdor shaxslar (lavozimlari koʻrsatilgan holda) koʻpincha joʻnatish kelishigida qayd qilinadi. Buyruq imzolanganidan soʻng kuchga kirgan hisoblanadi.

Xulosa oʻrnida shuni alohida taʼkidlash oʻrinliki, tilshunoslikda buyruq masalasi dolzarb boʻlib, u izlanuvchilardan yangi ilmiy tadqiqotlarni kutmoqda.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Курганов Анваржон Мухторович,
Ўзб. Р. ИИВ Академияси,
Тил ўқитиш кафедрa бошлиғи ўринбосари

Таъкидлаш жоизки, семантик ўзгаришлар жараёнида нарса-буюм, ҳолат, ҳаракат, сифатларнинг қандайдир белгилари билан ўхшашлиги асосида номнинг бирор сўзга ўтиши ўзига хос аҳамият касб этади. Баъзан сўзнинг янги маъноси асос бошланғич маънога ўхшамайди, бу эса, ўз навбатида, янги сўз ҳосил бўлганидан далолат беради, яъни омонимлик хусусиятига эга саналади, масалан: **cavalry** термини замонавий талқинда “қўшиннинг юқори ҳаракатчан тури” (*танк қўшинлари, аэромобиль қўшинлар, кавалерия*) [1, 228.]. Ушбу ҳолатда бу каби талқиннинг инглизча қўлланилиши атайлаб қилинган ташвиқотга ўхшайди, яъни “кавалерияга хос” анъаналарнинг қўшиннинг янги турига (кавалериянинг “классик” вазифаларини амалга оширувчи – разведка, қўриқлаш, рейд кабилар) мерос бўлиб қолганига ишора қилинади.

Шунингдек, **missile** терминининг умумий ва аниқ янги маъноси ўртасидаги алоқани кузатиш мумкин: 1) снаряд; 2) ракета (зарба бериш воситаси).

Термин **grenadier** қуйидаги маъноларни ўз ичига олади:

1) “гренадер” архаик маъноси; 2) тарихий маъноси эса “мотопиёда аскар”(гитлер армиясига хос); 3) замонавий, бироқ маъноси бироз эскирган “граната отувчи солдат”, “винтовкали гранатомёт билан қуролланган солдат”; 4) замонавий маъноси “гранатомётчи” (граната отувчи – реактив гранатомёт билан қуролланган жангчи).

Баъзан номларнинг кўчиши ҳарбий ишнинг бошқа соҳаларидан ёки ижтимоий фаолият, фан ва техника соҳаларидан ўзлашиш орқали содир бўлади. Масалан, юридик термин **to brief** “мижозга унинг ишини адвокат билан олиб борилишига ишора қилиш” даставвал Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲХК)да “ҳарбий учишдан олдин кўрсатма бериш” маъносида, шунингдек, куролли кучларда “вазифани кўймоқ, кўрсатма бермоқ” маъноларини англатади. Таъкидлаш жоизки, ҳарбий лексика доирасида ушбу сўзга олд кўшимча кўшилиши натижасида **to debrief** термини ҳосил бўлади, яъни “душман ортида хизмат вазифасидан қайтганлардан (самолёт экипажлари, десантчилар, разведкачи гуруҳлардан) разведка маълумотларини олиш” маъносини билдиради.

Альпинистлар лексиконидан **rappelling** термини “арқон бўйлаб тоғдан тушиш” ўзлаштириб олинган бўлиб, у ҳарбий лексикада “вертолётдан арқон орқали десант тушириш” маъносини олган.

Термин маъноларининг ўзгарганига бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин:

extraction экстракция (*гильзалар*); тикилиб қолган техникани чиқариш; душман ортидаги десант бўлинмаларини (*вазифани амалга оширгандан сўнг*) олиб чиқиш; **acquisition** қўлга киритиш; нишонни аниқлаш ва белгилаш; **decontamination** тозалаш; зарарсизлантириш; дезинфекция қилиш; дегазация қилиш (заҳарли газдан тозалаш); радиоактив қолдиқлардан тозалаш; **saturation** (*эритмани*) тўйинтириш; мудофаа имкониятларидан ортиқ миқдорда ҳужум воситаларини қўллаш; **surveillance** кузатиш, разведка; техник воситалар (*радиолокацион станциялар, инфракизил техникалар*) ёрдамида кузатиш.

Термин маъносининг ўзгариши натижасида сўз моҳияти кенгайиши ёки торайишини кузатиш мумкин. Масалан, “қирғоққа туширмоқ; қўнмоқ” маъноларини англатган **to land** феъли ҳозирда ўз маъносини кенгайтирган ва у “ҳар қандай сатҳга – сувга, осмон жисмига – қўнишни амалга ошириш” маъносида қўлланилади.

Бирор терминда янги маънонинг пайдо бўлиши баъзан ушбу сўз эски номларини ифодалаш учун ўзига хос антонимлар пайдо бўлишига олиб келади. Масалан: *airmobile cavalry – horse cavalry; cross country vehicle – road vehicle; guided bomb – gravity bomb; jet aircraft – piston aircraft; mortar – artillery mortar; mounted infantry – foot infantry; nuclear bomb – iron bomb; rotary wing aircraft – fixed wing aircraft; unconventional warfare – conventional warfare.*

Ҳарбий лексика таркибига кирувчи умумистеъмолдаги феъллар, одатда, барчага маълум бўлган махсус аҳамият касб этади. Бироқ шуни ҳам

таъкидлаш жоизки, ҳарбий контекстларда кўпинча машҳур феълларнинг тор истеъмолдаги маъносидан фойдаланилади: *to clear (a point)* “ўтмоқ (қисмга)”; *to deliver (fire)* “(ўт) ёғдирмоқ (ўққа тутмоқ)”; *to detail (for duty)* “тайинламоқ (наряд)”; *to develop (a position)* “фош қилмоқ, разведка қилмоқ (мудофаани)”; *to dress* “текисланмоқ”; *to find a guard* “ажратмоқ (қоравул)”; *to furnish (a patrol)* “ажратмоқ (қисм)”; *to hold out (a reserve)* “ажратмоқ (захира)”; *to mount (an attack)* “хужумга ўтмоқ”; *to negotiate (an obstacle)* “енгмоқ (тўсикни)”; *to organize (an area)* “муҳандислик муносабатида жиҳозламоқ (жойни)”; *to reduce (a pillbox)* “босмоқ, енгмоқ (ДОС)”; *to refuse (a flank)* “орқага тортмоқ (фланг, қанотни)”; *to rotate (personnel)* “навбатламоқ (шахсий таркибни)”; *to stage (an attack)* “бошламоқ (хужум)”; *to turn (a position)* “айланиб ўтмоқ (мудофаани)”. Айнан бу каби маъноларни ўрганиш жуда муҳим саналади.

Таъкидлаш жоизки, инглиз ҳарбий лексикасида атоқли отлар, хусусан, курул-яроғ ва ҳарбий техника номлари кенг тарқалган. Хусусан, атоқли отларда ҳам маъно ўзгариши кузатилади. Маъно ўзгариши атоқли отнинг бошқа предмет, ҳолатга қандайдир белгиларининг ўхшашлиги асосида метафорик жиҳатдан кўчиши орқали содир бўлади. Натижада турдош отлар ҳосил бўлади. Масалан: **Hiroshima** – Хиросима – турдош от “йирик аҳоли пунктига қарши ядро қуролини қўллаш” маъносини беради; **Dunkirk** – Дюнкерк – “чекинишдан сўнг қўшинлар йирик гуруҳининг денгиз орқали эвакуацияси”; **Dien Bien Phu** – Дьен-Бьен-Фу – “мудофаа иншоотлари қурилган қамалдаги гарнизонни йўқ қилиш”; **Verdun** – Верден – “мустаҳкам қалъа”; **Cannae** – Канна – “қамал қилиш натижасида йирик гуруҳни тўлиқ тор-мор қилиш”; **Pearl Harbor** – Пирл-Харбор – “қўққисдан хужум” кабилар.

Атоқли отлар маъноси ўзгаришининг бошқа усулида унинг бошқа предмет билан ўзаро алоқаси асосида метаномик кўчиши ҳисобланади. Масалан, айрим пунктларнинг географик номлари маълум муассасалар билан боғланади: **Fort Benning** “пиёда аскар мактаби”; **Langley** “Марказий разведка бошқармаси”; **Fort Knox** “бронетанк қўшинлари мактаби”; **West Point** “ҳарбий билим юрти”; **Fort Bliss** “ракета мактаби”; **Sandhurst** “инглиз армияси ҳарбий билим юрти” кабилар.[2.]

Полисемияга (кўп маънолилиқка) келадиган бўлсак, дастлабки таҳлил асосида айтишимиз мумкинки, бу ҳодиса ҳарбий соҳада унчалик кенг тарқалган эмас ва ҳарбий терминлар кўпинча бир маънолилиқ талабларига жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Macvillan. English dictionary for advanced learners. Second edition. United Kingdom. Editor-in-Chief Michael Rundell. 2007. p. 228.

LOCAL VALENCY AND ITS SEMANTIC CORRESPONDENCE IN EVENTUALITY

F. Jumaboyev, Kokand SPI

Except phonological level all other levels are units which contain the unity of form and meaning. This is recognized by all linguists.

Linguistics formed in Antique period pays much attention to the study of relationship between the name and notion expressed by this name. The unity of form and meaning has been inseparable. But structural linguistics appeared in XIX century paid much attention to the form, meaning was secondary. Even F.de Sossure recognized any linguistic unit consists of form and meaning, but his followers, mostly glossematic linguists gave priority to the form.

In the result form was deprived from meaning. It barriers to the development of linguistic semantics.

The representatives of structural linguistics are divided into two groups on the semantic matter. American linguist Bloomfield, Danish linguist L.Elmelef were in antimentalistic mood, Prague linguists supported mentalistic ideas. V.Skalichka criticized Bloomfield's approach to morpheme on the base of form, and he paid much attention to meaning of the morpheme.

F.de Sossure recognized that language was a system of special marks and semeology dealing with language mark theory, he made one side approach. He pointed out that semeology studies a mark in three aspects:

- 1) the relation of a mark with mark, he called it syntax;
- 2) the relation of a mark with reality, he called it semantics;
- 3) the relation of a mark with subject, he called it pragmatics.

Only first aspect drew F.de Sossure's attention. Only in the middle of the 20th century the relation of a mark to reality was in the centre of linguists. In the result of linguistic semantics developed.

At present in linguistic semantics, mainly in semasiology investigations are being carried in two directions. One of them is nominative or denotative semantics, it studies what the language unit expresses in objective reality or their etymology. The growth of structural investigations influenced to the linguistic semantics and paved the way to the formation of structural semantics. The main principles of the structural methodology have become the form of the linguistic unit and its meaning. So structural semantics appeared in linguistics¹⁹⁸.

¹⁹⁸ Vasilyev L.M. Semantika russkogo glagola. M. 1981. Page 7.